

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 21 » август 2019 у.

№ 699

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 14 мартдаги 201-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 14 мартдаги 201-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.И. Баситханова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “21” августдаги
699-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 14 мартдаги
201-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

I. 6-бандда:

а) куйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар қўшилсин:

“Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқувчи тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш;

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ҳамда ҳудудий бўлимлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан боғлиқ харажатларни жамоат фонди маблағлари ҳисобидан коплаш”;

б) тўққизинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 2-иловининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг
ижро этувчи дирекцияси
ТУЗИЛМАСИ**



Ижро этувчи дирекция бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 7 нафар.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штат бирликлари сони ўрнатилган нормативлар асосида белгиланади”.

3. 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ижро
этувчи дирекцияси ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф
сеткаси бўйича**

РАЗРЯДЛАРИ

Лавозим номи	Разряди
Ижрочи директор	16
Аудитор – тафтишчи	14
Юрисконсулт	14
Бухгалтерия бўлими бошлиғи - Бош ҳисобчи	14
Бош мутахассис	12
Етакчи мутахассис	11

